

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Фарход Лапасович УСМОНОВ

катта ўқитувчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон,

usfar76@gmail.com

Аннотация

Мақолада ахборот эркинлиги генезисига доир турли ёндашувларнинг жамиятга таъсири ўрганилган. Шунингдек, инсон эркинлиги феноменини ҳозирги давр нуктаи назаридан тушуниш, унинг кенг қамровли ўлчамлари ва мезонларини аниқлашнинг ижтимоий-фалсафий, назарий-методологик масалалари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: ахборот, эркинлик, демократия, ОАВ, ҳуқуқ.

СУЩНОСТЬ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ СВОБОДЫ

Фарход Лапасович УСМАНОВ

старший преподаватель

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан,

usfar76@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается влияние различных подходов к вопросу генезиса свободы информации в обществе. Также, анализируются социально-философские, теоретико-методологические вопросы осмысления феномена свободы человека с современной точки зрения, определения его широких измерений и критериев.

Ключевые слова: информация, свобода, демократия, СМИ, право.

Эркинлик тушунчаси ҳар доим жамиятдаги асосий масалалардан бири бўлиб келган, вақт ўтиши билан сўз эркинлиги, кейинчалик ахборот эркинлиги муаммосининг долзарблиги ошиб борди. Суқрот ва Афлотун давридан бошланган сўз эркинлиги ҳақидаги фикрлар тизими мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ж.Милтон сўз эркинлиги муаммоси Перикл давридаёқ Афинада мавжуд бўлганлигини қайд этади. Гесиод эса биринчи бўлиб сўз эркинлигини чеклаш тизимини тақдим этган эди. Протагор томонидан асосланган “Адолат ўзгалар ҳуқуқи демакдир” деган фикр бу тизимнинг асосини ташкил қилади [8].

Ғарбий Европада ушбу муаммо тахминан XVI асрлардан бери муҳокама этиб келинмоқда ва Ж.Локк, Т.Гоббс, Б.Спиноза, Н.Макиавелли каби олимлар эътиборини тортган муаммолардан ҳисобланади. XVII аср охири XVIII аср бошларида сўз эркинлиги учун кураш айнан Англияда бошланиб, континентал Европага ва тез орада Янги дунёга тарқалди. Шунингдек, Вольтер, Жан Жак Руссо, Ш.Л.Монтескье, Д.Дефо, Г.Э.Лессинг, И.В.Гёте, Б.Франклин, Т.Пейн каби мутафаккирлар томонидан бу борадаги фикрлар муттасил равишда ривожлантириб борилган. Европадаги инқилоблар даврида “сўз эркинлиги” деганда таъкиб ва жазодан қўрқмасдан, фикрни очик билдириш имконияти тушунилган. Хусусан, Жон Милтоннинг 1644 йилда ёзилган “Ареопагетика. Матбуотни лицензиясиз ҳимоя қилишда сўзнинг ўрни” асарида матбуот эркин бўлиши учун илоҳий ёндашув зарурлиги тўлиқ очиқ берилган [9]. Англия инқилоби даврида Генри Бертон, Генри Робинсон, Уильям Уолвин каби олимлар ҳам илоҳий ёндашувга тарафдор бўлиб майдонга чиқди. Улар ўз фикрларини Худо инсонга маълум мақсад билан мустақил фикрлаш қобилиятини инъом этганидан келиб чиққанлиги билан асослар эди. Кейинчалик бу тушунча кенгайиб борди, унга давлат ва тижорат сирини ўз ичига олмаган ва фуқароларнинг шахсий ҳаёт сирларига дахл қилмайдиган ҳар қандай ахборотни тўплашни мужассам этган “матбуот эркинлиги” ҳам киритилди.

Матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш борасидаги яна бир ёндашув асосини фуқаролар ўз фикрларини оммавий ва эркин алмашиши туфайли ҳақиқатга эришиш мумкинлиги ҳақидаги ғоя ташкил этади. 1614 йил “Диний тинчликсеварлик ва виждон эркинлиги ҳақида ўтинч” асарини чоп этган Леонардо Бушер ушбу йўналишга асос солган. Матбуот шахснинг устувор ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши зарурлиги тўғрисида умумий тусдаги фикр 1689 йил илк бор Жон Локкнинг “Дин эркинлиги тўғрисида мактуб” асарида келтирилган. Аниқ ва назарий жиҳатдан асосланган матбуот эркинлиги концепцияси дастлаб 1704 йил Мэтью Тинделлнинг “Матбуот эркинлигини чеклашга қарши далиллар” асарида

кабул қилинган [10]. У матбуот цензурасини диний томондан асослашни катъий рад этган. Милтон концепциясини кенгайтирган Тинделл, Худонинг марҳамати ила одамларга ақлли мавжудот сифатида турли фикрлар орасидан ҳақиқатни топиш қобилияти ҳам берилганини таъкидлайди. Шунини айтиш керакки, Мэттью Тинделлнинг концепциясида, матбуот эркинлиги, сиёсат сафсатабозлари, парламент ёлғонлари ва ҳукуматнинг ўзлари сайлаган вакиллари билан биргаликда, демократик жамиятда яшаш ва ҳаракат қилишга қодир фуқароларга таянадиган саховатли бошқарув шаклини ўрнатишга кўмаклашган ҳолда, чексиз ҳокимият ўрнатишга интилишдан ҳимоя қиладиган кафолат ҳам ҳисобланади. Кейинчалик 1712 йилда Жон Эсхиллнинг “Матбуотни ҳимоя қилиш эссеси”да шахс ҳуқуқларига риоя этиш матбуот эркинлигининг асоси бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилган. Шу тариқа XVIII асрда кичик ҳажмли ва арзон матбаа ускуналарининг яратилиши, Англия аҳолиси асосий қисмининг ўй-фикрларини акс эттирган кўплаб мустақил публицистларнинг пайдо бўлиши, ҳокимият ва жамият ўртасида сиёсий ва интеллектуал зиддиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Кейинчалик матбуот эркинлиги учун бўлган кураш туфайли ўша пайтдаги мавжуд лицензиялаштириш тизими бартараф этилди ва “Матбаа ишини тартибга солиш тўғрисидаги қонун”нинг бекор қилинишига эришилди. Матбаа ишини “қайта тартибга солиш” тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган янги қонунда фақат бузғунчилик, қуфр, бўҳтон ва ахлоқсиз хусусиятга эга материалларни нашр этиш жиноий хатти-ҳаракат сифатида изоҳланган эди. Шу билан бирга, қонун фуқароларнинг бошқа ҳар қандай материалларни эълон қилиши мумкинлигини эътироф этди ва бу Англияда 1702 йилда дунёдаги дастлабки ҳар қуни чоп этиладиган газеталардан бири “Дейли курант”нинг пайдо бўлишига замин яратди.

Жерем Бентам ўзининг “Матбуот эркинлиги ва оммавий баҳслар тўғрисида” (1820-1821 йиллар) деб номланган асарида утилитаризм концепциясига батафсил тўхталиб ўтган [4]. Шу тариқа Бентам матбуот

эркинлиги фуқаролар бахт-саодатини таъминлаш имконини бериши ҳақида хулосага келган.

Европалик мутафаккирларнинг мақсад ва орзулари 1766 йил Швецияда жаҳон тарихида илк бор эълон қилинган матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонунда ва 1789 йил Францияда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари декларациясида ўз аксини топди. 1791 йили қабул қилинган АҚШ Конституцияси – Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллга тузатиш киритилиши туфайли, сўз эркинлигини америкача тушунишга асос солинди, яъни Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чеклайдиган бирорта ҳам қонунни эълон қилмаслиги кераклиги қайд қилиб қўйилди [5].

Сўз ва ахборот эркинлиги учун курашнинг кейинги босқичи, Англияда XIX асрнинг 30-йилларида, қашшоқ газетхонлар манфаатларини акс эттирган нашрларнинг алоҳида қоида, нарх ва солиқларни жорий этиш ҳисобидан, оммавий арзон газеталар фаолиятини чеклашга интилан давлат цензура органларига қарши кураши кескин тус олган пайтга тўғри келди. 1859 йил Жон Милль томонидан чоп этилган “Эркинлик тўғрисида”ги асарда матбуот эркинлиги зарурлиги ҳақидаги далиллар тўлиқ келтирилган.

Миллий матбуот масалаларига тўхталадиган бўлсак, 1870 йилда Тошкентда ташкил этилган “Туркистанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” (бу рўзнома дастлаб “Туркистанские ведомости” газетасига илова тарзида чиққан) Ўрта Осиёдаги даврий матбуотнинг тўнғич намунаси ҳисобланиб, уларнинг ҳар иккиси 1917 йилга қадар нашр қилинган [1]. Биринчи ўлка вақтли матбуоти “Туркистанские ведомости”нинг узлуксиз нашри йўлга қўйилиши муносабати билан илк Туркистон давлат босмахонаси Тошкентда ташкил топади. Унинг босма маҳсули бўлмиш вақтли матбуот мустамлака ўлкада ҳукмрон империянинг расмий органи вазифасини бажарар эди. Меҳнаткаш халқни доимо итоатгўйликда сақлашга тиришиш борасида бутун ўлка вилоятларида кенг қўламда вақтли матбуотларини барпо этишга жойлардаги губернаторликлар сафарбар этилади [2]. Чор ҳукумати 1881 йилда матбуотни ўзига мақбул материаллар билан таъминлаш мақсадида марказий

телеграф агентлигини ташкил қилди. 1881 йилнинг октябрида Тошкентда Россия телеграф агентлигининг бўлими иш бошлади. Бўлимнинг бошлиғи этиб “Туркистанские ведомости” газетасининг муҳаррири полковник Н.Маев тайинланди. Лекин бу тадбир амалга ошмай қолди. Чунки 1882 йилнинг 23 майида Северное телеграфное агентство (Шимолий телеграф агентлиги) ташкил этилади. Туркистондаги газета ва журналларни ана шу агентлик хабарлар билан таъминлайдиган бўлди. 1894 йили давлат тасарруфида бўлган Россия телеграф агентлиги юзага келди [6]. XIX асрнинг 90-йилларида рус тилида чоп этилган хусусий газета ва журналлар ҳам бевосита мазкур агентлик ахборотларидан фойдалана бошлаган.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Туркистонда дастлабки миллий газеталар, иккинчи ўн йиллигида журналлар юзага келди. Бу даврга келиб маҳаллий зиёлилар англаб етдиларки, мустамлакачиликдан халос бўлиб, мустақилликка эришиш учун, энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, миллий онгни ошириш, ўзлигини англатиш лозим эди. Бунинг учун эса миллий матбуот ташкил этиш масаласи жуда муҳим эди. Бу тарихий вазифани жадиidlар ўз зиммасига олдилар. Жадиd матбуотчилиги 1905 йилдан кейин 17 октябрь Манифести берган эркинликлар самараси сифатида майдонга келди. Туркистон матбуоти Умумрусия мусулмон матбуоти билан қадамба-қадам борди, ўлка турмуши, миллий тараққиёт билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқди ва ҳал қилишга уринди. Миллий адабиётнинг шаклланиши ва тараққий қилишига муносиб ҳисса қўшди [1]. Шундай қилиб, Туркистон жадиdlари томонидан 1906 йилнинг 27 июнида “Тараққий” номли газета чоп этила бошланди. Газета дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига Россия империясининг моҳиятини, миллий зулм, мустамлакачилик нима эканлигини, эрк, озодлик, тараққиёт тушунчаларини англатишга ҳаракат қилди. 1906 йил август ойида Мунаввар қори муҳаррирлигида “Хуршид” газетаси, 1907 йилнинг 1 декабридан Абдулла Авланий муҳаррирлигида “Шуҳрат” газетаси чиқа бошлади. Шунингдек, Тошкентда “Осиё”, “Тужжор” газеталари чоп этилган бўлса, Бухорода “Бухорои шариф”, “Турон” газеталари чиққан,

кейинчалик Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий муҳаррирлигида “Самарқанд” газетаси нашр этилган. Қўқонда биринчи марта ўзбек тилида “Садои Фарғона” газетаси чиқарилган, унинг муҳаррири ва ношири Обиджон Маҳмудов бўлган. Афсуски, бу газеталар фаолияти чор ҳукумати томонидан қисқа фурсатларда тўхтатиб қўйилган. Миллий матбуотимизда 1913 йил 20 августда “Ойина” журнали Бехбудий муҳаррирлигида Самарқандда нашр этилган. “Ойина” журнали касбий маҳорати юксак, билимдон, ижтимоий фаол инсонларга катта эҳтиёж борлигини, бу эҳтиёжни замонавий маориф муассасалари орқалигина қондириш мумкинлигини деярли ҳар бир сонидан эслатиб турди. 1915 йилда яна бир журнал “Ал-ислоҳ” ўз фаолиятини бошлади ва 1918 йилгача чоп этилди. Шунингдек, миллатимизнинг илғор маданий маърифатпарварлари бўлмиш жадидларга эргашган, уларнинг изидан борган ўзбек зиёлилари: тошкентлик Ғулом Ҳасан Орифжонов, наманганлик Исҳоқхон Жунайдуллаев (Тўрақўрғоний) Иброт, Хоразм ва Қорақалпоқ матбаа-ноширчилигига асос солган, ўзбек тилида биринчи тошбосма китобини нашр этган Отажон-босма Абдалов кабилар бу соҳанинг фидойилари эдилар [7]. Бу ўринда Наманганнинг матбаачи-ношири, шоир, зиёли маърифатпарвари Иброт Туркистоннинг чекка қишлоғида тошбосмани вужудга келтириб, ўлкада миллат маданий меросига катта ҳисса қўшибгина қолмай, халқ маънавияти, маърифатини юксалтиришда улкан ишларни амалга оширди. 1917 йилда Россияда монархия тузуми ағдарилгандан сўнг Туркистонда турли янги газета ва журналлар пайдо бўлди. Шулардан бири “Нажот” газетаси бўлиб, у 1917 йилда “Туркистон вилоятининг газети” ўрнига муваққат ҳукуматнинг нашри сифатида чоп этила бошланди. Шунингдек ўша даврда, Фарғонада “Фарғона саҳифаси”, Тошкентда “Турон”, “Шўрои исломия”, Самарқандда “Хуррият”, Қўқонда “Эл байроғи” газетаси, “Кенгаш” журнали, “Юрт” журнали чиқа бошлади. Уларда Туркистонда икки инқилоб орасида рўй берган воқеа-ҳодисалар кенг ёритилган. 1917 йил 25 октябрида шўролар ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг, уларга муҳолифатда бўлган барча газета ва журналларни таъқиқлаб, бошқа соҳалар қаторида матбуотни ҳам ўз

кўлларига олдилар ва маҳаллий халқ ўртасида ўз мафкураларини тарғиб этишга хизмат қиладиган нашрларни ташкил эта бошладилар. Шундай нашрлардан бири 1918 йилда Самарқандда “Меҳнаткашлар ўқи” номи билан чоп этилди. Тошкентда эса шу йили “Иштирокиюн” газетаси чиқа бошлади [3]. 1928 йилга келиб Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаси тарзида радиоэшиттиришлар йўлга қўйилиб, у бора-бора узлуксизлик характериға эға бўлди. 1956 йилнинг ноябрида Тошкент телевидениеси ишға тушди. Кўп ўтмай, у бутун республикаға кўрсатувлар узатадиган телемарказға айланди. “Совет Ўзбекистони”, “Правда Востока” газеталари, кенг оммаға мўлжалланган “Муштум”, “Фан ва турмуш”, “Шарқ юлдузи”, “Саодат”, “Гулистон”, “Кино”, “Ўзбекистон кишлок хўжалиги”, болалар учун чиқарилган “Гулхан”, “Гунча” каби журналларда профессионал журналистлар самарали ижод қилишди. Собиқ шўро даври матбуоти, унинг партиявий бошқарилиши Т.Эрназаров, А.Акбаров, Б.Юсупов, Р.Сафаров каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1970-1980 йилларда матбуотға юқоридан туриб тазйиқ ўтказиш, унинг кундалик ҳаётимиздаги долзарб, зарур жиҳатларини ёритишдек муҳим вазифасини камситиш каби салбий жиҳатлар оддий ҳолатға айланиб қолган эди. Шу сабабдан ҳам матбуот тўлақонли равишда халқнинг қалб сўзларининг ифодачисига айлана олмади. Собиқ шўролар даврида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасига олинганлигини, матбуотнинг бутун фаолияти коммунистик партия мафкурасига мажбуран хизмат қилдирилганлигини, шу давр сиёсий йўналишиға мос равишда, партия совет матбуотининг кўп тармоқли тизими қарор топганлигини айтиш зарур. Оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон мустақиллигигача бўлган давридаги фаолиятини кўз олдимизға келтирсак, совет даврида ОАВ коммунистик партиянинг ягона ғоя ва мафкурасини зўр бериб тарғиб ва ташвиқ қилишға маҳкум этилганлигига гувоҳ бўламиз.

Инсоният тарихининг турли даврларида одамлар сўз ва матбуот эркинлиги учун курашиб, цензурадан холи бўлишга мунтазам интилиб келганлигини кўриш мумкин. Шу боисдан, Ўзбекистонда ахборот эркинлигининг замонавий тамойилларини жорий этиш учун бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги ижобий тажрибасидан фойдаланиб иш тутиш мақсадга мувофиқ, дея хулоса қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари. – Тошкент: Ozbekiston, 2011. – 248 б.
2. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Тошкент: – Гафур Ғулом, 2009 й. – 190 б.
3. Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. – 164 б.
4. Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательство. Под ред. О.А.Жидкова. Перевод В. И. Лафитского. – Москва: Прогресс, 1993. – 766 с.
5. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). /Тузувчи Н.А.Абдуазизова. – Тошкент: Академия, 2000. – 238 б.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.
7. Қосимова Н. ва бошқалар. Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма. – Тошкент, 2008. – 77 б.
8. Milton J. Areopagitica. A Speech for the Liberty of Unlicenc`s Printing // Milton J. Complete Poetry and Selected Prose / Ed. By E. Visyak. Glasgow, 1925. P.228.
9. Tindal M. Against Restraining the Press. L.,1704; P.288.
10. Bentham J. On the Liberty of the Press and Public Discussion. L., 1820-1821. P. 432.